ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИ ТАМИНЛАШДАГИ ФАОЛИЯТИ

Б.Қандов

В данной статье Узбекистан выступает в качестве страны, которая ратифицировала самые важные международные документы ООН в сфере обеспечения мира и безопасности, а также в качестве страны, которая вносит свою лепту в защиту прав и свободы человека.

In this article Uzbekistan acts as the country that has ratified the most important international documents of the UNO related to the maintenance of peace and safety, and also as a country that continuously contributes to the protection of human rights and freedom.

ХХ асрда содир бўлган иккита жаҳон уруши 80 миллиондан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ўзбекистонда большевиклар бошлаб берган октябрь тўнтариши жамиятни бойлар ва камбағалларга ажратиб, ўзбек халқининг қатағон қилинишига замин тайёрлади. Тарихчи олим Қ.Ражабовнинг ёзишича, 1937-1939 йилларда тўқиб чиқарилган сохта айбловлар бўйича Ўзбекистонда 41 мингдан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 37 мингдан ортиғи жазоланди, 6920 киши эса отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Умуман олганда, 1937-1953 йилларда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) тройкаси (учинчи) томонидан 100 мингдан ортиқ киши қатағон қилинди, улардан 15 минг нафари отиб ташланди. 1936-1940 йилларда фақат давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар ва олимлардан 5758 киши қамоққа олиниб, улардан 4811 киши отиб ўлдиришга ҳукм қилинган эди. Бу маълумотлар республикамиз миқёсида қизил террор қанчалик кенг миқёсида шавқатсиз равишда амалга оширилганлигининг яққол исботи ҳисобланади [3;173]. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда ўз сиёсатида миллий ва халқаро хавфсизлик масалаларига катта эътибор беради.

Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари халқларни Ер юзида тинчлик ва хавфсизлик ўрнатувчи халқаро ташкилот — БМТни ташкил этишга ундади. БМТ Низомида унинг асосий мақсадлари ифода этилган: “Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва шу мақсадда тинчликка таҳдиднинг олдини олиш ва уни бартараф этиш ва тажовуз ҳаракатлари ёки тинчликка рахна солувчи бошқа ҳаракатларни бостириш учун биргаликда самарали чоралар кўриш ҳамда адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига асосланган ҳолда тинчлик воситаларидан фойдаланиб, тинчликнинг бузилишига олиб келувчи халқаро низо ёки вазиятларни тинчитиш ёки ҳал этиш”[4;3]. Худди шунингдек, ушбу Низомда “инсон ҳуқуқларига ва барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш”[4;3]. БМТнинг мақсади экани таъкидланади.

Низомнинг 2-моддасига кўра БМТнинг барча аъзолари “халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни таҳдид остига қўймаслик учун ўзларининг халқаро низоларни тинчлик воситалари билан ҳал қиладилар”, “ўзларининг халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирон-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тиядилар”[4;3], деб уқтирилади. Демак, БМТга аъзо давлатлар ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун курашишни, ўзлари ҳам бошқа давлатларга таҳдид солмасликни ўз устига оладилар.

БМТнинг ер юзида тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишга қаратилган саъй- ҳаракатлари унинг 1970 йил 16 декабрда қабул қилинган “Халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Декларацияси”да, БМТ Бош Ассамблеясининг халқаро хавфсизликни таъминлашга қаратилган махсус Конвенциясида (1986 йил 5 декабрь ва 1987 йил 7 декабрь), “БМТ Уставига мувофиқ халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кенг-кўламли ёндашиш” Резолюциясида (1988 йил 7 декабрь) баён қилиб берилган. Уларда тинчлик ва хавфсизлик глобал муаммолардан бири экани, уларни ҳал этишда қатнашиш давлатларнинг инсонпарвар сиёсатининг ифодаси экани айтилади. Демак, ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш умумсайёравий миқёсда қараладиган, глобал ҳамкорликни талаб қиладиган муаммодир.

Халқаро Хавфсизлик ҳуқуқини ўрганган А.Рахманов ушбу муаммони уч кўламда – глобал, минтақавий (регионал) ва миллий хавфсизлик йўналишларида қараш, ўрганишни таклиф

этади[10;210-213]. Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашув муаммони тўлиқроқ ёритишга ёрдам беради.

Энг аввало шуни қайд этишимиз зарурки, низолар, урушлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига катта хавф солади. Уруш ҳолатида бўлган давлатлар **биринчидан,** инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклашга мажбурдир; **иккинчидан,** фуқароларнинг ҳаракатлари, бир мамлакатдан иккинчисига ўтиши тўхтайди; **учинчидан,** кишилар ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларидан воз кечиш орқали бутун борлиғини ғалабага қаратишга мажбур бўладилар. Бу эса мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи ҳарбий ҳолатни, тотал бошқаришни юзага келтиради. Жаҳон урушлари тажрибалари кўрсатдики, тотал бошқаришга ўрганган жамиятнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қайта тиклаши, демократик қадриятларни ўрнатиши жуда катта тўсиқларга дуч келади, баъзи ҳолларда ушбу давлатлар тоталитар бошқаришга қайтадилар.

Яна бир муҳим муаммо шундаки, уруш даврида шаклланган психологияни, муносабатларни ўзгартириш, умуминсоний қадриятлар билан бойитиш айрим жамият аъзоларининг қаршилигига дуч келади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш Россияда Зюганов, Лимонов, Макашев каби миллатчи-ватанпарварларнинг "йирик гуруҳини" юзага келтирди. Улар ҳозир Россия демократиясига, конституциявий ҳокимиятга қарши чиқаётган йирик мухолифлардир.

Ўзбекистон Республикаси БМТ, Европада Хавфсизлик Ҳамкорлик Ташкилоти каби олтмишдан зиёд халқаро ташкилотларга аъзо ҳисобланади. Республикамиз дунёдаги 170 давлат томонидан тан олинган, 120дан зиёд давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Юртимизда 88 та хорижий давлат элчихонаси ва ваколатхоналари очилган, 24 та ҳукуматлараро ташкилотлар ва 13 та халқаро нодавлат ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият олиб боради [1;239].

Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти(ЕХҲТ)нинг Марказий Осиёдаги фаолиятини кучайтиришни таклиф этган ва у Лиссабон декларациясида расмийлаштирилган. Бу, аслида, ЕХҲТ ўз ҳужжатларида мазкур минтақада барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва можароларнинг олдини олиш ниятини баён этган биринчи ҳодиса бўлди. Президентимиз айтганидек: "Лиссабонда ялпи хавфсизликнинг модели хусусида олиб борилган мунозаралар жараёнида биз хавфсизликнинг бўлинмаслиги ҳақидаги асосий қоидани тўла-тўкис қўллаб-қувватлашимизни билдирдик. Шуни мамнуният билан қайд этамизки, можаролар юз бериб турган ҳудудларга яширинча қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш ҳақидаги таклифимиз Лиссабон учрашувининг якунловчи ҳужжатида ўз ифодасини топди. Умид қиламизки, бу охир-оқибатда XXI аср учун умумий ва кенг қамровли хавфсизлик моделининг таркибий қисми бўлиб қолади"[1;246].

Глобал муаммоларни ҳал этиш давлатларнинг БМТ фаолиятида қатнашишини тақозо қилади. Бу БМТнинг ҳужжатларини шунчаки тан олиш, ратификация қилишгина эмас, унга ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид муҳим таклифлар, тавсиялар киритиш, халқаро акцияларни қўллаб-қувватлаш, амалий фаолиятда, ички ва ташқи сиёсатда қабул қилинган қарорларга риоя этиш кабилар ҳам киради. Масалан, давлатлар ўртасида имзоланган кўп томонлама ва икки томонлама ҳужжатларда ҳарбий кучларни ва қуролларни қисқартириш, урушни даҳшатли тарзда олиб борувчи қуролларни қўлламаслик, умуман қуролсизланиш бўйича келишувлар сайёрамизда хавфсизликни ўрнатишга қаратилган. Бу борада деярли барча давлатларнинг БМТнинг бактериологик қуроллар ишлаб чиқишни тақиқлаш ҳақида Конвенцияси (1972 йил), атмосферада, космос ва сув остида ядро қуролини синаб кўришни тақиқлаш Шартномаси (1963 йил), Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақида Шартнома (1968 йил), Океан ва денгизларда, уларнинг остида ядро қуроли ва оммавий қирғин қуролларини жойлаштиришни тақиқлаш ҳақида Шартномаси (1971 йил), Ядро қуролини синаб кўришни кенг кўламда тақиқлаш ҳақида Шартнома(1996 йил)сига қўшилгани, шу тариқа ядро ва оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқиш, синаш, тарқатиш ҳақида умумсайёравий тарзда келишиб олингани ибратлидир. Ушбу вазифани назорат қилиш МАГАТЭга юклатилган. Айнан ушбу халқаро ташкилот юқоридаги ҳужжатларни ратификация қилган давлатлар берган ваколати орқали ядро қуролини ишлаб чиқишни назорат қилади, унинг тарқалиб кетмаслиги бўйича зарур чора тадбирларини БМТга таклиф этади. Ўзбекистон Республикаси ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган халқаро ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб келади, бу борада у қуйидаги ҳужжатларни ратификация қилган: "Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақида Шартнома" (1992 йил 9 декабрь), "Ҳарбий асирларга муносабат ҳақида Конвенция" (1993 йил 3 сентябрь), "Уруш пайтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида Конвенция" (1993 йил 9 сентябрь), 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева Конвенцияси (1993 йил 3 сентябрь) ва уларга қўшимча қабул қилинган

протоколлар (1993 йил 3 сентябрь), Тинчлик учун ҳамкорлик рамкали ҳужжати (1994 йил 6 май), Бактериологик (биологик) ва токсик қуролларни ишлаб чиқариш, яратиш ва жамлашни тақиқлаш ҳамда уни йўқ қилиш ҳақидаги Конвенция (1995 йил 22 декабрь), "Химиявий қуролларни ишлаб чиқиш, яратиш ва жамлашни тақиқлаш ҳамда уни йўқ қилиш ҳақидаги Конвенция" (1996 йил 26 апель), "Ядро синовларини кенг кўламда тақиқлаш ҳақида Шартнома" (1996 йил 3 октябрь), "Халқларнинг тинчликка оид ҳуқуқлари ҳақида Шартнома" (1997 йил 30 август) ва маълум бир қуроллардан фойдаланишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақида Конвенция (1997 йил 30 август) кабилардир. Ушбу халқаро ҳужжатлар ҳуқуқшунослар томонидан универсал характерга эга меъёрлар деб аталади. Улар Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро, ҳукуматлараро ва тармоқлараро халқаро шартномаларда асос, база вазифасини ўтайди [5;78]. Чунки уларда нафақат тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, худди шунингдек, инсоннинг тинч яшаш ва меҳнат қилиш, у ёки бу томонга қўшилиш ёки қўшилмаслик каби ҳуқуқларига ва эркинликларига оид меъёрлар ҳам мавжуддир. Тўғри, И.М.Умарохунов халқаро ҳуқуқий меъёрларни, қонунларни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий масалаларга оид ҳужжатларга классификация қилишни таклиф этади [5;81]. Унга кўра, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро ҳужжатлар охирги гуруҳга киради. Илмий-назарий нуқтаи назардан бундай ёндашиш мумкин, аммо у инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашни ҳам, глобал, минтақавий ва миллий йўналишларда қарашга, ўрганишга халақит беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда жуғрофий жойланиши, аҳоли сони, моддий бойликлари нуқтаи назардан алоҳида мавқега эга. Халқимиз тинчликда ва хавфсизликда яшашни, халқаро интеграцияга киришиб, дўстона алоқалар ўрнатишни истайди. Шунинг учун Республикамиз мустақил давлат сифатида ўзини ўзи ҳимоя қилиши ва минтақада тинчликни сақлашга оид чора-тадбирлар кўриши табиий ҳол. Президентимиз кўрсатганидек: "Бир нарсани яхши англаб олайлик, азиз ватандошлар. Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолини, ўз озодлигини ҳимоя қилишга, турли қўпорувчи ҳаракатларга муносиб зарба беришга, минтақага қурол ва аслаҳаларни киритишга йўл қўймасликка — ҳаммасига қурби ва қудрати етарли бўлиши зарур"[2;8]. Демак, минтақада тинчлик ва хавфсизликни сақлаш масалалари бевосита Ўзбекистоннинг позициясига, ташқи сиёсатига боғлиқ.

Мустақилликнинг илк йилларида минтақадаги тинчлик ва хавфсизликка икки томондан таҳдид юзага келди: биринчиси, Афғонистондан, иккинчиси, Тожикистондан. Афғон уруши Республикамиз жанубида нотинчлик туғдириши турган гап эди. Тожикистонда юзага келган нотинч ижтимоий-сиёсий вазият, фуқаролар ўртасидаги низоларнинг бутун Марказий Осиёга тарқалиш хавфи мавжуд эди. Шундай мураккаб шароитда минтақада барқарорликни таъминлаш осон эмас эди, албатта.

Президентимиз И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиб берувчи Тошкентда доимий семинар ташкил этиш таклифини киритди. Президентимизнинг ушбу таклифини Марказий Осиё давлатлари (Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон) Шимкентдаги (1995 йил 14 апрель) кенгашида қўллаб-қувватлади. Бу таклиф Россия, Покистон ва БМТнинг Марказий Осиё бўйича институтлари томонидан ҳам мақсадга мувофиқ деб тан олинди. Ушбу таклиф доирасида минтақага оид қуйидаги масалалар муҳокама қилинадиган бўлди:

1. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг ишончли тизимини яратиш. Ушбу таклиф асосида кейинчалик 2003 йили Тошкентда аксилтеррорчилик маркази ва 1996 йили Марказий Осиё давлатларининг тинчлик батальони (Центразбат) ташкил этилди [6;20-37]. Ушбу батальон Марказий Осиёда тинчликни, хавфсизликни таъминлаш учун Марказий Осиё республикаларининг миллий ҳарбий кучларига оид бўлинмалардан тузилади ва у БМТнинг Уставига, БМТ Хавфсизлик кенгаши қарорларига ҳамда Давлатлараро Кенгаш, Бош министрлар Кенгаши томонларнинг Мудофаа Вазирлари Кенгаши қарорларига, махсус низомга мувофиқ ҳаракат қилади. Батальон: зарур жойларда халқаро кучнинг борлигини ва уни намойиш қилишни; тинчликка ва ўт очишни тўхтатишга оид келишувни сақлашни; тўқнашаётган томонларни ажратиш, улар ўртасида гуманитар даҳлизни ташкил этишни; масъул зоналарда қонунни тиклаш, жамоат ва давлат институтлари фаолиятини таъминлашни; ўрнатилган тинчлик бузилганида унинг боислари бўйича қидирув ўтказишни; инсон ҳуқуқларини тиклаш ва оммавий тартибсизликни бартараф этиш учун назорат олиб боришни; тинч аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни амалга оширади. Центразбатнинг биринчи ўқув машқларининг биринчи босқичи 1997

йил 15-17 августда, иккинчи босқичи 1997 йил 18-22 августда (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида) ўтказилди [6;48-49].

2. Минтақада тинчликни ва давлат чегараларининг бутунлигини бузмоқчи бўлган томонга биргаликда дипломатик, молиявий, иқтисодий ва бошқа кўринишдаги санкцияларни қўллашдан фойдаланиш. Бундай тазйиқ усулларидан халқаро сиёсатда фойдаланилади, Марказий Осиё давлатлари ушбу халқаро тажрибадан келиб чиқишган. Лекин минтақамизда ушбу тазйиқдан фойдаланишга сабаб бўладиган ҳодиса содир бўлмаган. Тўғри, айрим кишилар ёки гуруҳлар томонидан чегараларни бузишлар учраб туради, аммо у юқоридаги санкцияларни қўллаш учун сабаб бўла олмайди.

3. Марказий Осиёда хавфсизлик ва тинчликни бузишга қаратилган салбий хатти-ҳаракатларнинг авж олмаслиги, тарқалмаслиги учун перспектив дипломатиянинг барча имкониятларидан фойдаланиш. Маълумки, 1924 йили Ўрта Осиёда миллий давлатлар тузилганида минтақа халқларининг тарихий-маданий ҳаёти, этногенезиси умумий эканлигини большевиклар яхши билган. Аммо шунга қарамасдан, улар халқларимизни республикаларга бўлиб юбориш орқали уларнинг кучини заифлаштиришни режалаштирганлар. Шундан бери минтақада ҳудудий муаммолар халқларимизга тинчлик бермай, гоҳо турли низоларни келтириб чиқаради. Ҳозир минтақа республикалари ушбу салбий ҳолларнинг кенг тарқалмаслиги учун перспектив дипломатиядан фойдаланмоқдалар.

4. Минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган қарорлар ишлаб чиқиш, уларни БМТга тавсия этиш. Шундай ҳамкорликдаги қарор Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ҳақидаги қарордир. Бу қарор 1997 йили Бишкекда Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги йиғилишида илгари сурилган. Кейин 1997 йил 14-16 сентябрда Тошкентда "Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона" мавзуида халқаро анжуман ўтказилади ва унинг қарори БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясига тақдим этилади. Ушбу ҳамкорликдаги қарор БМТ Бош Ассамблеяси ва тинчликсевар халқлар томонидан қўллаб-қувватланади [7;46-49].

5. Минтақада ва ер юзида химиявий, бактериологик (биологик) ва бошқа оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқишни бартараф этишга ёрдам бериш, БМТнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган биринчи кунларидаёқ БМТнинг бу борада қабул қилган ҳужжатларига қўшилишини, халқаро ташкилотларнинг тинчликсевар саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини эълон қилган. Юқоридаги оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқиш халқаро ташкилотлар, энг аввало БМТ ва МАГАТЭ назоратида бўлса-да, айрим минтақаларда уларни яратишга интилиш учраб турмоқда.

6. Минтақада қуроллар сотиш ва ноқонуний ҳарбий ёки террорчи гуруҳларга қуроллар етказиб беришни назорат қилишнинг самарали усулларини, йўлларини яратиш. Тожикистонда содир бўлган фуқаролар урушида ноқонуний қуролланган гуруҳлар, фундаментализм тарафдорлари бутун минтақага хавф солган. Масалан, биргина 1997 йили ноқонуний қуролланган террорчи гуруҳлар томонидан деярли 400 та оғир жиноятлар, 300 та қотиллик содир этилган. 1995-2000 йилларда 8 минг жиноят содир этилиб, 2001 йилда 50 дан зиёд қуролланган жиноятчилар гуруҳлари қўлга олинган [8;19-20]. Ушбу мисоллар кўрсатадики, айрим террорчи ва экстремистчи гуруҳларнинг қуролланиши учун имконият сақланиб қолмоқда, мазкур имкониятни бартараф этиш мустақил давлатлар ҳамкорлигининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

7. Минтақада хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш иқтисод, информация, коммуникация ва экология соҳаларидаги хавфсизлик кабилар билан ҳам боғлиқдир[9;14]. Ушбу хавфсизликларни таъминлаш охир натижада инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг соғ-саломат яшаши, камол топиши учун зарур имкониятларни яратиш демакдир. Агар иқтисодий соҳадаги хавфсизлик инсонга меҳнат қилиш, яратилган моддий бойликлардан фойдаланиш, хусусий мулкини кўпайтириш ва уларни ноқонуний тарзда тортиб олиш, йўқ қилиш хавфидан асраса, экологик хавфсизлик инсоннинг соғ-саломат яшашига, баркамол шахс сифатида жисмоний ва маънавий камол топишига имкон беради.

Миллий хавфсизлик халқаро хавфсизлик, айниқса, минтақавий хавфсизлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу йўналишдаги низолар миллий хавфсизликка таҳдид уйғотмай қолмайди. Шунинг учун ҳар қандай халқаро низолар миллий хавфсизликка таъсир этмай қолмаганидек, ҳар қандай ички низолар ён-атрофдаги халқлар, давлатлардаги ижтимоий-маънавий, иқтисодий ҳаёт соҳаларига таъсир этмай қолмайди. Бундан ташқари, ҳар бир давлат ҳаётига йирик давлатлараро тўқнашувлар, компьютер технологиясидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, нообъектив

информациялар тарқатиш, халқаро террористик гуруҳларнинг ҳужумлари, Осиёдан миллионлаб кишиларнинг Ғарб ва АҚШ томон иммиграцияси, юзага келган экологик инқирозлар, табиий офатлар ҳам хавф соладики, ушбу ранг-баранг, гоҳо бошқариш, олдиндан билиш қийин бўлган ҳодисалардан айрим олган давлатлар халқаро кучлар ёрдамисиз халос бўла олмайди. Шунинг учун А.Раҳманов миллий хавфсизлик тўғрисида фикр юрита туриб, "эски миллий хавфсизлик ҳақидаги тасаввур ўтмишга кетди, энди унинг янги моҳияти бутун диққат жамият ва давлатнинг асосий бойлиги сифатида шахсга қаратилгани билан асосланади"[10;225], деб ёзади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистондаги миллий демократик тараққиётга, ижтимоий-демографик вазиятга, иммиграцияга, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятидан жой олишга, интеграцияга киришиб ривожланишга интилаётгани ҳам глобаллашувни миллий ҳаётимиздаги оддий воқеликка айлантирмоқда. Махсус кузатишлардан маълум бўладики, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла таъминлаш учун республикамиз ушбу соҳага оид 40 дан зиёд халқаро ҳужжатларни ратификация, 115 дан зиёд халқаро ҳуқуқий меъёрларни имплементация қилган. Бу, аслида, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлиги принципига амал қилинишидир.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш зарур. Халқаро ҳуқуқ тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизимидир. Глобаллашув эса давлатлараро муносабатлардан кенгдир, гоҳо уларни ўз кетидан эргаштириш имконига эга. Масалан, трансмиллий корпорациялар ўзининг халқаро фаолияти, йирик маблағлари билан давлатлараро муносабатларга таъсир кўрсатиб келади. Хўш, ушбу муносабатлар энди қайси йўналишда кетади? Давлатларнинг ўрни, мавқеи нима бўлади? Глобаллашувнинг миллий давлатчилик анъаналарига таъсири қайси томонга ўзгаради? Бу саволларга жавоб излаш олимларнинг, мутахассисларнинг вазифасидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тинчлик шартлари ва барқарорлик кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998
2. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996
3. Ражабов Қ. Ўзбекистон мустабид совет давлат таркибида (1925-1991). // Ўзбекистон миллий энциклопедияси – Т.12. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2006
4. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар (тўплам).- Т.: Адолат, 2004
5. Умарахунов И. М. Республика Узбекистан и международное договорное право. – Т.: ЎзМЭ, 1998
6. Сборник документов и материалов.Вып.7. Межгосударственный Совет Республики Казахстан, Кыргызской Республики и Республики Узбекистан. - Бишкек. 1997
7. Касымов А. Неклесса Г. Международные правовые аспекты создания зон, свободных от ядерного оружия. – Т.: ЎзМЭ, 1999
8. Саймудинов Ш. Национальное примирение в Таджикистане и его современное значение. Автореферат дисс. канд. полит. наук. - Душанбе, 2002
9. Материалы Центральноазиатской конференции по региональному сотрудничеству.- Бишкек 1995
10. Рахманов А. Право международной безопасности. - Т.: ТГЮИ, 2005

ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,
2009 йил 24 сентябрда қабул қилинган